

HiEdTec лойиҳаси доирасида мониторинг ташрифи

HiEdTec - "Марказий Осиёда олий таълим тизимини янги технологиялар орқали модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида мониторинг ташрифи 2019 йил 19 сентябрда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (ТДИҚ) NEO Uzbekistan эксперталари Кудратхон Бахадиров и Гульшода Карлибаевалар томонидан олиб борилди.

Ташрифдан мақсад - шу кунгача амалга оширилган тадбирлар ва ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳақида маълумот олиш ҳамда лойиҳа фаолияти давомида ва молиявий масалаларда бирор бир муаммога дуч келинганми ёки йўқлигини кузатиш, муҳокама қилиш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат.

Учрашувда ТДИҚдан 2та проректор, ўқув бўлими бошлиги, ТДИҚ 4та иштирокчи, ТАТУдан Зта иштирокчи, докторантлар ва талабалар иштирок этишди. Мониторингда Сабиржан Юсупов, Рашид Насимов ва Нулуфар Аллабергановалар лойиҳани амалга ошириш бўйича маълумот бердилар. NEO Uzbekistan эксперталари томонидан шу кунгача жорий этилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва шу билан бирга лойиҳа фаолияти давомида ва молиявий масалаларда бирор бир муаммога дуч келинганми ёки йўқлиги ҳақида сўралди.

Кейин лойиҳа иштирокчилари билан муҳокама бўлиб ўтди. Мониторинг ташрифи якунида, NEO Uzbekistan эксперталари лойиҳани муваффақиятли амалга оширилаётгани, яхши жамоа шакллантирилганлиги ва лойиҳа юкори даражада бошқарилаётганлигини таъкидлаб, дастлабки норасмий фикр мулоҳазаларини тақдим этдилар.

